

**«Ўздавдонинспекция» томонидан спирт ҳамда пиво ишлаб чиқариш соҳасида
фаолият юритувчи субъектларда ўтказиладиган текширишлар**

ДАСТУРИ

1. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектни текшириш мақсади билан таништириш, текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларни кўрсатиш ва текшириш учун асос ҳисобланувчи ҳужжатларни тилхат асосида топшириш. Текшириш тўғрисида “Текширишларни рўйхатга олиш китоби”га тегишли ёзувларни қайд этиш (Китоб тақдим этилмаган тақдирда бу ҳақда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади).

2. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъект (корхона) тўғри-сида маълумотлар. (Номи, манзили, фаолият тури, раҳбарлари ва ҳ.к.).

3. Олдинги текширишда аниқланган камчиликлар ва уларни бар-гараф этилиши тўғрисида маълумотлар.

4. Текшириш мақсади: Спирт ҳамда пиво ишлаб чиқариш соҳасида донларни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлашга беришни тартибга солишга доир амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини ўрганиш.

5. Текшириш предмети:

Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сонли қарори билан тасдиқланган “Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш ва расмийлаштириш тўғрисида”ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 26 май санасидаги 1684-сон Қарори билан тасдиқланган “Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва сотиш бўйича операцияларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома”, “Ўздонмаҳсулот” АК ва “Ўздавдонинспекция”нинг қўшма буйруқлари билан тасдиқланган “Ун, ёрма, мойли экинлар уруғлари ва донни сақлаш Йўриқномаси”, “Элеватор ва дон қабул қилиш корхоналарида технологик жараёнларни ташкил қилиш ва юритиш қоидалари” ва амалдаги дон маҳсулотларига тегишли бўлган давлат стандартлари ҳамда соҳадаги техник шартлар талаблари.

Текширишда ўрганиб чиқиладиган масалалар:

а) дон сақлаш омборларининг техник ҳолати, дон ва дон маҳсулотларининг сақланиши ва сифати, дон зараркунандаларига қарши курашиш юзасидан амалга оширилган ишлар, омбор ва ёрдамчи хоналарнинг ҳолати;

б) дон қабул қилиш, жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлашга бериш жараёнида ишлатиладиган дастгоҳларнинг ишчи ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш таъминланганлигини (дон тозалаш жиҳозларининг иш самарасини) текшириш;

в) дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлашга бериш, дон тозалаш жараёнини расмилаштириш, шунингдек тозалаш ва қайта ишлаш даврида ажратилган чиқиндилар бўйича ҳисоботларни юритилиши;

г) хом-ашёларнинг мувофиқлик сертификатлари мавжудлигини ўрганиш;

д) шаҳодатланган ишлаб чиқариш технологик лабораториянинг мавжудлиги, кадрлар таркиби ва малакаси, хоналарнинг етарлича бўлиши, зарурий ўлчов

воситалари ва синов ускуналари, реактивлар ва бошқалар билан жиҳозланганлиги. Лаборатория ускуналарининг метрологик кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг мавжудлигини текшириш;

е) дон ва дон маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш усуллари бўйича тегишли норматив хужжатларнинг мавжудлиги, ўтказилаётган синовларни норматив-техник хужжат талабларига мувофиқлиги, тасдиқланган шаклдаги журнал ва китобларни расмий-лаштириб борилиши, намуна сақлаш хоналарининг аҳволи ва намуналарни сақланишини текшириш;

ж) темир йўл, автомобил, элеватор ва омбор тарозиларни ўз вақтида давлат кўригидан ўтказилганлиги ва тамғаланганлигини назоратдан ўтказиш;

з) спирт ҳамда пиво ишлаб чиқариш корхоналарида донларни қабул қилиш, сақлаш, ишлаб чиқаришга бериш, таҳлилларни ўтказиш ҳамда меъёрий хужжатлар билан ишлаш маслалалари бўйича услубий ва амалий ёрдамлар кўрсатиш.

6. Текшириш натижалари бўйича 2 нусхада далолатнома тузилиб, унга заруратга қараб, текширилган хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки мансабдор шахсларининг тушунтириш хатлари, тегишли хужжатлар нусхалари илова қилиниб, текшириш далолатномасининг 1 нусхаси текшириш якунланган кун субъект раҳбарига уни олганлиги тўғрисида имзо билан қолдирилади.

Текшириш натижасига кўра аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатма берилади.